

Маълумки, истиклол йилларида хаётимизнинг барча сохалари катори миллий адабиётимиз хам том маънода янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирмокда. Президентимиз Ислон Каримов томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида маънавият масаласига энг мухим ва устувор йўналиш сифатида катта ахамият бериб келинаётгани бу борада хал килувчи ахамият касб этмокда.

Давлатимиз рахбарининг эътиборингизга хавола килинаётган ушбу рисола хам маънавиятга, унинг ажралмас кисми бўлган бадий адабиётга бўлган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир. Унда адабиётимизнинг бугунги куни ва эртанги истикболи, ёзувчилар олдида турган мухим ва долзарб вазифалар хакида, ижодкорнинг гражданлик позицияси, ижтимоий бурчи хусусида атрофлича фикр юритилади. Айти пайтда юртимиз зиёлиларининг энг илгор вакиллари бўлмиш адилларни ўз сафида бирлаштирган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича мухим амалий таклиф ва хулосалар илгари сурилади. Миллатимизнинг рухи бўлган она тилимизни, халкмизнинг азалий кадрийларини келгуси авлодларга етказишда адабиётнинг ўрни ва ахамияти бекиёс эканига жиддий ургу берилади. Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор экани, бинобарин, адабиётимиз ривожини учун нафакат ёзувчи ва шоирлар, балки бутун жамият масъул экани алохида таъкидланади.

Мазкур рисола ижодкор зиёлилар, филолог олимлар, адабиёт ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган бўлиб, ундан умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларида адабиёт, миллий гоё, маънавият асослари, фалсафа ва бошка фан йўналишлари бўйича факулътатив дарс, махсус курс ва машгулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хакида гапирганда, табиийки, халкимиз маънавиятининг, миллий тафаккуримизнинг ажралмас кисми бўлган, керак бўлса, унинг ўзагини ташкил этадиган она тилимизни, бой тарих ва кадимий анъаналарга эга адабиётимизни асраб-авайлаб, ривожлантириб келаётган захматкаш инсонлар, уларнинг огир ва масъулиятли меҳнати барчамизнинг кўз олдимиздан ўтади.

Биз шоир деганда, аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Кодирий, Ойбек сингари ўз халки учун нафакат ноёб истеъдоди, айна пайтда бутун хаётини багишлаган буюк ва мўътабар инсонларни тасаввур этамиз.

Бир сўз билан айтганда, халкимиз адабиётни мукаддас ва улуг бир даргоҳ деб билади. Ана шундай бахонинг ўзи эл-юртимиз хаётида бу соҳа намояндаларига, уларнинг халқоний сўзи, чуқур маъноли асарларига ишонч, хурмат-эътибор ва эҳтиром азалдан юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатиб турибди.

Хеч шубҳасиз, зиёлиларнинг илгор қисми бўлмиш бадиий адабиёт вакилларининг халқимиз қалбини, унинг олий мақсадлари, бугунги хаёти, тақдири ва келажакни яқиндан биладиган инсонлар сифатида жамиятимиздаги ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Энг муҳими, ёзувчиларимиз ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, ўз ижодига, қалб амри билан танлаган қасбига содиқ қолиб, миллий ўзлигимизни англаш, халқимиз онгу тафаккурини ўзгартириш, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва юксалтириш йўлида хизмат қилиб келадиганини таъкидлаш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шаҳсан мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, хаётни қузатиб, одамларнинг юрагида, дунёқаршида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун қуйиниб яшайдиган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мана, ҳадемай мустақиллигимизга ўн саккиз йил тўлади. Шу ўтган даврда биз юртимизда эркин, демократик жамият пойдеворини барпо этиш йўлида янги қарқинда ўсиб-ўлғаяётган навқирон авлодни вояга етказмоқдамиз. Савол тугилади: бу қараёнларга ёзувчилар қандай ҳисса қўшмоқда ва уларнинг олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

Ўзбек тили, адабиёти бу борада қандай роль ўйнаши керак? Она тилимизни, бадиий тафаккуримизни ривожлантириш орқали халқ маънавиятини юксалтириш йўлида яна қандай ишларни қилишимиз зарур?

Ҳозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган қескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадиий соҳнамасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми?

Мана шундай қатта масалалар билан майдонга чиқиши керак бўлган Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини қониктирадимми?

Жамиятнинг илгор ва онгли вакилларини бирлаштирган маъруз ижодий ташкилот бугун олдимизда турган янги ва юксак марраларга халқни даъват этиш, айниқса, таълим ва тарбия, маънавият, маданий хаётни ривожлантиришда нима иш қилиши керак, деган саволни қун тартибига қўйиш ўринлидир.

Албатга, адабиёт, ижод аҳли фаолиятига баҳо беришда, аввало, уларнинг меҳнати,

махорати ва истеъдоди меваси бўлган асарларидан бахраманд бўладиган кенг китобхонлар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг хакконий, демократик ёндашув эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шуни айтиш жоизки, аксарият ёзувчиларимиз совет даврининг тарбиясини олган, узок йиллар хукмрон мафкура рухида ижод килган. Лекин яна бир хакикат ҳам борки, уларнинг кўпчилиги коммунистик тузум гоёларини сўзда маъкулласа ҳам, аслида ич-ичидан уларни кабул килмаган. Негаки, коммунистик тузум инсоннинг, бинобарин, миллат ва халкнинг эркин ва озод яшашига, миллий тафаккур, диний кадриятларга карши бўлганини ижод ахли ҳаммадан кўра чуқуррок англаган.

Табиийки, давр тақозосига кўра, ёзувчилар яшаш учун, ўз истеъдодини рўёбга чиқариш учун коммунистик тузум билан мураса килишга мажбур бўлган. Шу маънода, мустабид тузум даврида виждон азобини ким кўпроқ тортган, деса, мен, доимо бу хаётнинг маъно-мазмуни, инсоннинг кадр-киммати, эл-юрт тақдири хакида кайгуриб яшайдиган одамлар ва уларнинг олдинги каторида бўлган ижод ахли, деб айтган бўлардим.

Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салохият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфklar очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва тахликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-окибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган хароратли сўзи хар қачонгидан ҳам мухим ахамият касб этмоқда.

Яъни, ёзувчи «Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юсак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?» деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида катъий қилиб кўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади.

Бундай маънавий ҳуқуқка эга бўлиш учун ижодкорларимиз, аввало катта билим ва хаётий тажрибага, кенг дунёқараш, юсак ижодий маҳоратга эга бўлиши, энг мухими, бу ўта огир, қучли иродани талаб этадиган жабҳада хақиқий фидойилик кўрсатиши лозимлигини яхши тушунамиз.

Шу боис ҳам хаётнинг ўзи Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини ошириш масаласини олдимизга долзарб вазифа қилиб кўймоқца. Мухтасар айтганда, бизнинг бадий ижод соҳасига, бу Уюшманинг бугунги тақдири, эртанги кунига бефарқ бўлишга ҳақ кимиз йўқ.

Бизнинг бу борадаги барча саъй-харакатларимиз аввало Ёзувчилар уюшмасидаги муҳитни яхшилаш, уни мавжуд огир вазиятдан чиқаришдек мухим масалани хал қилишга қаратилиши зарур. Бу борада Уюшма аъзолари, шоир ва адилларимизнинг ўзлари нима иш қилиши, айни пайтда давлат, ҳуқумат, Президент томонидан қандай ёрдам бериш кераклигини аниқлаб олишимиз лозим.

Менинг фикрим бўйича, Ёзувчилар уюшмасининг биринчи раҳбаридан тортиб оддий

аъзосигача — унинг фаолиятига дахлдор хар бир одам ёзувчилар оламининг фикру зикрини, муаммоларини, бу ижодий ташкилотнинг Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ахамиятини хар томонлама тушунишга кодир бўлиши керак.

Халкимиз йиллар, асрлар давомида орзикиб кутган озодликка эришиб, ўз тақдирини ўз кўлига олганидан кейин хар кандай таҳдид ва хатарларга карамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт куриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борада кандай огир йўллардан, кандай мураккаб босқичлардан ўтишга тўғри келаётганини чуқур англаб етишимиз керак.

Адибларимиз айиан мана шундай масалалар устида, бугунги кунда уларнинг сўзи халк калбида кандай акс-садо бераётгани хақида яна бир бор ўйлаб кўришларини истардим.

Сир эмаски, бугун илгаригидек факат том-том асарлар чиқариш билан иш битмайди. Нокулайрок бўлса ҳам, ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик: кенг китобхонлар, айникса, хозирги ёшлар бу асарларни ўқияптими?

Тўғриси айтиладиган бўлсак, ёшлар бугун ахборот ва маълумотларни асосан Интернет орқали оляпти, дунёни телевидение, компьютер орқали танияпти. Ота-онаси, ўқитувчилари минг тарғиб-ташвиқ килмасин, бугунги ёшлар «Ўткан кунлар», «Уруш ва тинчлик» каби мумтоз романларни ёппаси га ўқияпти, деб айта оламизми?

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай кўйди, деб факат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, Интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош котириш зарур, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиш.

Айни вақтда ана шундай замонавий воситалар ёрдамида мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий асарларини халкимизга яқинлаштириш, бу ноёб меросни хақиқатан ҳам маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаи-га айлантириш барчамиз, аввало адабиёт ахлининг вазифаси, десак, ҳеч кандай хато бўлмайди.

Шу борада яна бир муҳим масала устида ўйлаб кўришимиз керак. Яъни, ёзувчиларимиз ўз истеъдоди билан одамларнинг онги ва дунёкараши, маданий савиясини юксалтириш, халк калбининг куйчиси бўлишдек огир ва мураккаб, улуг бир вазифани зиммасига олган экан, аввало эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини, гражданлик позицияси ва масъулиятини чуқур сезиши, англаши хал килувчи ахамиятга эга.

Менинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқи гиб, ўргатиб бўлмайди.

Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр хаётнинг ичида бўлиш, ўз халки билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, хакикат ва адолатга садо-кат билан хизмат килишдир.

Шу маънода, Ёзувчилар уюшмаси юртимиздаги бошка жамоат ташкилотларидан мутлако фарк килади. Бу Уюшма хар бири алохида бир олам бўлган ўнлаб, юзлаб шоир ва адибларни, уларнинг нафакат моддий, балки маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини химоя килиш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун бевосита масъул эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Шу ўринда яна бир фикрга алохида тўхталиб ўтмоқчиман. Чинакам ижод ва истеъдод махсули бўлган асарларни, ёзувчининг юрагидан, калбидан чик-кан хаққоний ва таъсирчан фикрларни кенг оммага етқизиш учун барча мав-жуд воситалардан унутли фойдаланиш зарур. Дейлик, эски даврда бўлганидек, ёзувчи нашриёт учун хизмат килишига чек қўйиш лозим.

Керак бўлса, нашриётлар ҳам, театрлар, радио-телевидение, киностудиялар ҳам ёзувчи ва шоирларнинг ижодини жамоатчиликка, ўқувчи ва томошабинларга етқизиш, улар билан ҳамкорлик килишдан, уларга янада кенгрок минбар беришдан манфаатдор бўлиши лозим. Чунки, бу ижод турларининг ҳам таги-заминида биринчи навбатда адабиёт, сўз санъати туриши ҳеч қимга сир эмас.

Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарасини оширишда энг муҳим биринчи масала ижодкор ўзининг ижтимоий бурчини қандай тушуниши билан бевосита боғлиқдир. Нега деганда, адибнинг сўзи, унинг ижодий меҳна-тининг махсули жамият тараккиёти учун нақадар зарур эканини барчамиз, аввало шу соҳага кириб келаётган ва шу соҳада фаолият олиб бораётган адибларнинг ўзи яхши англаб олиши керак.

Таъбир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб кадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.

Шундан келиб чиқадиган иккинчи масала шуки, бугунги кунда ёзувчиларнинг машаккатли ижодий меҳнатини тўғри ва адолатли баҳолаш учун давлат ва жамият томонидан яна нима иш килиш керак, деган савол устида ўйлашимиз даркор. Аслида бу ўта мураккаб масала бўлиб, очигини айтганда, бир ёзувчига юқорирок, бошқасига эса пастрок баҳо беришда ҳақам бўладиган одам ҳам, аниқ мезон ҳам йўқ.

Бундай вазифани ўз зиммасига оладиган кишилар, менинг назаримда, жуда огир ва мушкул ишни ўз зиммасига олган бўлади. Нега деганда, инсоннинг хиссиётлари, унинг чексиз рухий оламини тасвирлаб берадиган, не-не буюк донишмандлар ҳам ожиз қолган бу хаётнинг азалий ва абадий савдоларини акс эттирадиган ижод соҳасида қандайдир мезон ва меъёрлар механизминини ишлаб чиқишнинг ўзи қийин нарса.

Айтайлик, заводда ишлаб чиқарилган буюм — соат ёки машинанинг сифатига баҳо бериш мумкин, лекин ижод махсулига шундай баҳо бериб бўлади-ми? Агар бу масаланинг

мохиятига тўғри етиб борилмаса, ялт этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совутиб, кобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавхарнинг кадрига етмасдан, худдики уни тупрокка кўмиб қўйиш билан баробар, десак, муболага бўлмайди.

Хулоса шуки, адабий жараёнга, шоир ва адиблар фаолиятига баҳо беришда ўта нозиклик ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Менга колса, ўз истеъдоди, кўз нури ва юрак кўрини, бутун борлигини багишлаб, факат ижод билан шугулланадиган хақикий ёзувчиларни моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаш учун уларга барча шароит ва имкониятларни яратиб берган бўлардим.

Маълумки, Уюшма таркибидаги айнан шу масалалар билан шугулланиши лозим бўлган Адабиёт жамгармаси бугунги кунда молиявий жихатдан ночор ахволга келиб қолган. Шу сабабли унинг ўрнида янги жамгарма — Ижод фон дини тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш бу муаммоларни ечишга имкон тугдиради, деб ўйлайман.

Бунинг учун тегишли идора ва вазирликлар билан биргаликда Ижод фондининг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак. Бу Фонднинг низом жамгармасини шакллантиришга албатта давлат ўз маблағи билан хисса қўшади.

Шунингдек, мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот ва муассасалар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини ҳам бу жамгармага жалб этиш устида ишлашимиз керак.

Нега деганда, адабиёт масаласи — бу маънавият масаласидир. Бу Фонд ёзувчиларни қўллаб-қувватлаш билан бир каторда, юртимизда ижод соҳасининг, миллий маданиятимизнинг ривож тониши учун, келажакимиз учун хизмат қилишини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Ижодий жараённинг, адабиётнинг асосий бунёдқори — бу ёзувчи ва шоирлардир. Лекин бу ишни факат уларнинг елкасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик, бутун жамиятимиз унга ўз хиссасини қўшиши керак.

Айни пайтда бундай Фонд ёзувчиларнинг ижодий фаолиятини оширишга хизмат қиладими ёки боқимандаликка олиб келадими — бу ҳақда ҳам ҳар томонлама чуқур ўйлаш лозим. Бошлаётган ишларимиз амалий самара бериши, гоёвий-бадий етук асарлар яратишга замин тугдириши учун пухта ўйланган механизмларни яратишимиз зарур.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ижодий фаолият учун калам хақи тўлаш тизимини қайта қўриб чиқиш керак. Бу — энг нозик масала. Бу тизим адолатли бўлиши, Ёзувчилар уюшмаси ишининг самарасини оширишда рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариши, содда қилиб айтганда, хақикий ижод намунасини қалбақи асарлардан, яъни шолени қурмадан ажратишга хизмат қилиши керак.

Ижод аҳли учун шарт-шароитларни яхшилаш хақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ёзувчилар уюшмасининг поликлиникасини ва

Дўрмондаги ижод уйини таъмирлаш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш лозим.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамгармасидан маблағ ажратишни кўзда тутиш, таъмирлаш ишларини 2010 йилда амалга ошириш, жорий йилда эса тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш керак. Шу билан бирга, Дўрмон ижод уйининг бугунги кун талаблари асосида самарали фаолият юритишини таъминлаш учун унинг ҳам низомини ўзгартириш зарур.

Барчамиз яхши англаймизки, адабиётда ҳам анъаналар давомийлиги, кекса авлод вакилларига ҳурмат-эътибор, уларнинг билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу маънода, Уюшма фаолиятида кекса адибларга эътиборни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Ёши улуг ёзувчиларга, асарлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қиладиган оксоқолларга ёрдам тариқасида Ижод фондидан маълум миқдордаги маблағни Ёзувчилар уюшмасининг қарори билан уларга бериб бориш айтиш муддао бўлур эди.

Бундай савобли ишни маданият ва санъатнинг бошқа соҳаларида ҳам жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Учинчи масала. Бу чора-тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад — Ёзувчилар уюшмасининг ҳаётимизда-ги ўрни ва нуфузини янада оширишдан иборат. Токи Уюшмага аъзо бўлган ҳар қайси инсон авваламбор бу ташкилот унинг ижодини ривожлантириш, асарларини жамоатчиликка етказиш, истеъдодини рўёбга чиқариш, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалий ёрдам ва кўмак беришга қодир эканини яқиндан ҳис қилиши лозим.

Ўзимизга савол берайлик: ҳўп, бир қаламқаш уюшмага аъзо бўлди. Бунинг таъсирини бугунги кунда у ўз ижоди-да, ҳаётида сезадими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Яъни, ёзувчиларда Уюшма мени ўз бағрига олди, энди хотиржам бўлиб, ижод билан шугулланишим мумкин, деган тушунчани ҳис этиш, шундан қониқиш ҳосил қилиш йўқ.

Уюшма — бу бирлашма дегани. Шундай экан, ягона эзгу мақсад йўлида бирлашган одамлар бир-бирига елкадош бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшаши керак эмасми?

Уюшма раҳбариятининг асосий бурчи, вазифаси, такрор айтаман, биринчи навбатда ижодқорлар учун зарур шарт-шароит яратишдан иборат бўлиши керак. Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса аввало моддий асос, молиявий заминга эга бўлиш лозим.

Шу билан бирга, Ёзувчилар уюшмасининг сифат таркибини ҳам кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бу муқаддас даргоҳ не-не улуг ижодқорларнинг қутлуг номлари, ижодий мероси билан боғлиқ. Шундай экан, Уюшма ўзининг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб бўлиши, адабиётни ўз ҳаётининг маъно-мазмунини деб қиладиган фидойи инсонларгина бу ташкилотга аъзо бўлиши керак.

Тўртинчи масала — ёш ижодкорлар билан ишлаш масаласи. Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларнинг икtidорини рўёбга чиқаришда чуқур ўйланган усуллар, яъни аниқ механизм зарурлигини бугун адабиётимиз манфаатлари талаб этмоқда. Ёш адиб ва шоирлар, адабий танкидчиларнинг ҳар бири ўз асарлари билан адабий жамоатчилик назаридан, ижодий танловлар, жиддий тақриزلардан ўтиб, тегишли эътирофга сазовор бўлиб, шундан кейингина адабиёт майдонига ва Уюшма аъзолигига кириши лозим. Авваламбор, устоз адибларни, Ёзувчилар уюшмасининг тажрибали ва нуфузли аъзоларини ёшлар билан ишлашдек муҳим жараёнга кенг жалб қилишимиз даркор.

Уюшма низомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш, умуман, бу борада алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур. Айниқса, вилоятларда бу ишни алоҳида кўриб чиқиш ва назоратга олиш керак.

Уюшма аъзолигига даъвогарларнинг асарларини баҳолашда истеъдод ва фақат истеъдод асосий мезон бўлиши зарур. Бунинг учун нафақат марказда, балки жойларда ҳам фаолият кўрсатаётган ижодий тўғарак ва семинарларнинг иш самарасини ошириш, баҳс-мунозаралар, мушоиралар, фикр алма-шувлар, шу билан бирга, устоз ёзувчи ва шоирларнинг маҳорат мактабини ўрганиш бўйича машгулотлар олиб боришни қучайтириш даркор.

Ёш ижодкорлар ўртасида ўтказиладиган танловларда катнашаётган каламкашлар орасидан энг яхши истеъдод эгаларини танлаб олишда Ёзувчилар уюшмаси асосий ташаббускор бўлиши, бу ишларни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда амалга ошириши зарур.

Бу борада амалий натижа бермаётган баъзи бир юзаки тадбирлар ҳам борки, улар бугун ўзини канчалик окляпти — бу масалани ҳам алоҳида кўриб чиқиш керак. Умуман, ёш ёзувчиларнинг ижодий семинарларини санаторийларда, хушхаво чаманларда ўтказиш шартми? Ахир, ёзувчи зоти доимо ҳаёт кўйнида бўлиши, унинг кайноқ нафасини сезиб туриши керак эмасми?

Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чеқиш, ҳузур-халоватдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду гами билан яшаши, халқ ичига қириб бориши, ўзи учун илхомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз.

Шундай экан, нима учун бу анжуманлар турли вилоятларда эмас, ҳар йили бир жойда ўтади? Колаверса, бу семинарларга номзодларни танлаб олиш бўйича аниқ тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ҳақида ҳам бош қотириш фурсати етди, деб ўйлайман.

Бешинчи масала. Назаримда, биз бир вақтлар раҳматли Озод Шарафиддинов бошлаган муҳим бир ишни эътибордан четда қолдиргандекмиз. Яъни, у киши «Жаҳон адабиёти» журнали орқали бошлаб берган дунё адабиётининг энг яхши намуналарини таржима қилиш, чоп этиш, ўрганиш бидан боғлиқ тажрибалар, чет эл ёзувчилари билан алоқаларни янада ривожлантириш масаласига бугун етарлича аҳамият бермаяпмиз. Холбуки, биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний

кадриятлар рухида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобигимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак.

Қискача айтганда, бошқа соҳалар катори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни қучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, кадриятларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўзлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Мен бу борада Гарб билан бирга Шарқ мамлакатлари, жумладан, Япония, Хитой, Жанубий Корея билан, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Қувайт каби араб давлатлари билан алоқаларни қучайтиришни тавсия этган бўлардим.

Бундай ижодий ҳамкорлик алоқаларини боғлашда албагга ўзаро тенглик, ҳурмат ва самимият гоят зарур. Шуни унутмаслик керакки, ўзбек миллати, ўзбек халқи — худонинг назари тушган миллат. Ўзбекистон — Оллоҳ назар солган юрт. Бизнинг юртимиз, халқимиз ҳеч қимдан қам эмас ва ҳеч қачон қам бўлмади.

Энг охири масала — нашриётлар ва нашр масаласи. Бугунги кунда нашриётларга тўла эркинлик берилган, уларнинг фаолиятига ҳеч қим четдан туриб аралаша олмайди. Лекин ана шу эркинликни тўғри тушуниш, масалага масъулият билан ёндашиш даркор. Яъни, фақат иқтисодий манфаат ортидан қувиб бадиий жихатдан заиф, миллий маънавиятимиз, кадриятларимизга тўғри қелмайдиган, адабиётнинг обрўсини туширадиган китоблар нашр этилишига йўл қўймаслик керак.

Айниқса, адабий жараён кўзгуси бўлган газета ва журналларда шеър ва ҳикояларни чоп этишда талабчанлик ва масъулиятни янада қучайтириш керак, десам, ўйлайманки, муҳтарам адибларимиз ҳам бу фикрга қўшиладилар.

Бунда, айниқса Уюшма муассислигида чоп этиладиган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлик», «Амударё» журналлари фаолиятини ҳар томонлама қучайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шаклу шамоили, мавзу-мундарижасини яхшилаш, муаллифлар, ижодий жамоатчилик билан кенг ҳамкорликда иш олиб боришни таъминлаш, сўзсиз, катта аҳамият қасб этган бўлур эди.

Бундан ташқари, ҳар бир китоб, ҳар бир бадиий асарнинг талаб даражасида чоп этилишида Ёзувчилар уюмаси ва нашриётлар ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш, ўз тарқибида истеъдодли, ҳолис ва адолатли адиб ва мунаққидларни бирлаштирган ижодий кенгашларнинг самарали фаолият кўрсатишига эришиш керак.

Ёш ижодкорларнинг асарларини чоп этишга ҳам айнан шу кўз билан қараб, бу масалага алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай ёндашув марҳум Муҳаммад Юсуф каби ҳақиқий истеъдодларни қашф этиш ва уларнинг ижодини халққа етказишда энг тўғри ва адолатли йўл бўлади.

Менимча, бу масаланинг асосий калити — чинакам иктидор эгаси бўлган ёш ижодкорларнинг биринчи китобини давлат хисобидан чоп этишдан иборат. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси ва нашриётлар Халк таълими хамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан шартнома тузиб, бу китобларни уларнинг кутубхоналарига, ахборот-ресурс марказларига етказиб бериш ва шу тарика минг-минглаб фарзандларимизнинг бу асарлардан бахраманд бўлишига эришиш мумкин.

Шу билан бирга, академик лицей на касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг ана шу китоблар хақидаги фикрларини ўрганиш ёшларимиз ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтиришга хизмат қилиши табиийдир.

Айниқса, биз учун гоят муҳим ахамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болалиқдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Ёш истеъдодларни айнан ана шундай талаблар асосида камол топтириш, уларнинг адабиёт оламида ўз муносиб ўрнини эгаллашни гаъминлаш учун Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиш ва янги асосда қайта ташкил этиш лозим.

Мана шу фикрларни сизларга муро-жаат тариқасида етказиб, бу масалалар хусусида сизлар билан, яъни, давлат ва ижодий ташкилотлар билан биргалиқда бош қотириб, тегишли хулоса ва қарорлар чиқариш ўринли, деб биламан.

Шу билан бирга, илгари билдирган бир фикримни таъкидлаб айтмоқчиман: агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улугламоччи, уни авлодлар хотирасида боқий сакламоччи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуг адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди.